

## Ҳеч бир жой қабрчалик қўрқинчли эмас



21:09 / 27.11.2018 3653

Нафсни поклайдиган ва ахлоқни сайқаллайдиган энг муҳим омиллардан бири ўлимни эслашдир.

Одамларнинг нотўғри йўлларга киришлари ва уларда давомли бўлишларига сабаб ўлимни унутишларидир. Ўлимни ўйламаган одам ҳар қандай гуноҳни тап тортмай қилавериши ҳеч гап эмас.

Агар ҳар бир банда бир кун келиб ўлишини, тупроққа қорилишини, қуртга ем бўлишини, Мункар ва Накир саволларига тутилишини, қиёматда тирилишини, жаннат ёки дўзахга киришини ўйлаб турса, ўлимни эслайдиган ва унга тайёргарлик кўрадиган бўлади.

Аҳмоқ ўлимдан кейинни кўзламай, ҳавойи нафсига берилиб, Аллоҳ таолонинг айтганини қилмай, У Зотга тавба ҳам қилмайди. Аллоҳ таоло эса: «Тоатимга бахиллик қилганга қандай қилиб раҳматимни ҳадя қиламан?!», дейди.

*Абу Саъийд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз жойларига кирдилар ва одамларни тишларини тиржайтириб турган ҳолларида кўрдилар-да:**

**«Агар сизлар лаззатларни бузувчини кўпроқ эслаганларингизда, мен сизларни кўриб турган ҳолингиздан машғул қилар эди. Бас, лаззатларни бузувчини - ўлимни кўп эслангиз. Ҳолбуки, қабр ҳар куни: «Мен ғурбат уйиман. Мен ёлғизлик уйиман. Мен тупроқ уйиман. Мен қуртлар уйиман», деб туради. Бас, қачон мўмин банда дафн қилинса, қабр унга: «Марҳабо! Хуш келдинг! Сен мен учун устимда юрганлардан кўра маҳбубсан. Зеро, бугун мен сенга валий бўлдим, сен олдимга келдинг, энди сенга нима қилишимни кўрасан», дейди. Бас, у унинг кўзи етгунча масофага кенгаяди. Унинг учун жаннатга эшик очилади. Қачон фожир ёки кофир банда дафн қилинса, қабр унга: «Сенга марҳабо йўқ! Хуш келмадинг! Сен мен учун устимда юрганлардан кўра ёмон кўрилгансан. Зеро, бугун мен сенга валий бўлдим, сен олдимга келдинг, энди сенга нима қилишимни кўрасан», дейди. Бас, у унинг устидан қисади ва унинг қовурғалари бир-бирига киришиб кетади», деб бармоқларини бир-бирига киритиб кўрсатдилар.**

**У зот сўзларида давом этиб: «Кейин Аллоҳ унга етмишта катта илонни унга бириктириб қўяди. Агар улардан бири ерга пуфласа, дунё тургунча у ерда бирор нарса ўсмайди. Бас, улар уни то ҳисобга олиб борилгунча чақиб ва ютиб турадилар», дедилар.**

**Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам яна: «Албатта, қабр жаннат боғларидан биридир ёки дўзах чуқурларидан биридир», дедилар».**

*Термизий ривоят қилган.*

Ҳар бир банда ушбу ҳадиси шарифни яхши ўзлаштириб, ўлимни кўп ўйлаши ва унга тайёргарлик кўриши зарур. Қабрга кириши билан бандага ёруғ дунёдаги эътиқоди ва қилган амалларига яраша яхши ёки ёмон муомала қилиш бошланишини ҳеч эсдан чиқармаслик лозим. Қабр азобини ўйлаб юришнинг ўзи ақли-ҳуши жойида бўлган ҳар бир бандани тўғри йўлга солиб қўйиши турган гап.

**"Руҳий тарбия" китобидан**